

**БЕГМАТОВА Бузахро Маъруфжановна,**  
Тошкент давлат шарқшунослик университети,  
Араб филологияси кафедраси доценти, юридик  
фанлар номзоди. *buzahro73y@mail.ru*

**САИДОВА Нодира Каюмовна,**  
Ўзбекистон халқаро ислом академияси,  
Араб тили ва адабиёти ал-Азҳар кафедраси  
ўқитувчиси

## ФЕЛЬЛАРНИ МАЙЛЛАРДА ЎЗГАРИШИГА САБАБ БЎЛУВЧИ ОМИЛЛАР

### ФАКТОРЫ, ВЛИЯЮЩИЕ НА ИЗМЕНЕНИЕ ГЛАГОЛОВ В НАКЛОНЕНИЯХ

### FACTORS THAT CAUSE TO CHANGE VERBS IN MOOD

**Аннотация.** Барча тиллар каби араб тилида ҳам феъл алоҳида сўз туркуми ҳисобланниб, замон ва майлларда тусланади. Араб тилинуслари феълнинг тусланишини تصریف деб аташади ва унинг ўтган, ҳозирги-келаси замон ҳамда буйруқ майли каби уч хил турини кўрсатишади. Бундан кўриниб турибдики, араб тилида феълнинг ҳозирги ва келаси замонлари битта замон сифатида берилган, шунингдек, буйруқ майли ҳам бошқа майлардан фарқли равишда тусланиши турларидан бири сифатида келтирилган.

Феълларнинг тусланишига таъсир қилувчи омиллар мавжуд бўлиб, бу омиллар лафзий ва маънавий каби турларга бўлинади. Феъл эъробига таъсир қилувчи лафзий омиллар ҳарф ва феъллардир. Исл феъни тусланишига омил бўла олмайди.

**Таянч сўз ва иборалар:** тусланиши, муъраб, мабний, омил, лафзий, маънавий, майл категорияси, эъроб, юкламалар.

**Аннотация.** Глагол, как и во всех языках, в арабском языке является отдельной частью речи и изменяется по временам и наклонениям. Арабские лингвисты называют изменение глагола «تصريف» (тасриф) и выделяют три его типа: прошедшее, настоящее-будущее время и повелительное наклонение. Из этого следует, что в арабском языке настоящее и будущее время глагола объединены в одно время, а повелительное наклонение, в отличие от других наклонений, выделено как один из типов изменения. На изменение глагола влияют факторы, которые делятся на два типа: лексические и

смысловые. Лексическими факторами, влияющими на изменение глагола, являются буквы и другие глаголы. Существительные не могут влиять на изменение глагола.

**Опорные слова и выражения:** спряжение, флексия, неизменяемые, факторы, лафзий, маънавий, изменение по окончаниям, частицы.

**Abstract.** Like all languages, in Arabic, the verb is considered a separate group of words and is conjugated in tenses and conditionals. Arabic linguists call the conjugation of the verb تصریف and show three types of it: past, present-future, and imperative. It can be seen that in Arabic, the present and future tenses of the verb are given as one tense, and the imperative is also given as one of the types of conjugation, unlike other conditionals. There are factors that influence the conjugation of verbs, and these factors are divided into types such as verbal and untangible. The lexical factors that affect the conjugation of a verb are prepositions and verbs. A noun cannot be a factor in the conjugation of a verb.

**Keywords and expressions:** conjugation, declinable, indeclinable, factor, verbal, untangible, conditionals, inflection, particles.

## КИРИШ

Предметнинг ҳаракатини ва жараён тарзидағи ҳолатини билдирган мустақил сўз туркуми феъл дейилади. Феъллар шахс ва предметлар ҳаракатини ифодалаш билан бирга турлича ҳолатни, белгининг ўзгаришини ҳам ҳаракат тарзида англатади: дарахт кўкарди, ўрик гуллади, бола қизарди, укам ухлади каби [6:315].

Феълларнинг тусланишини араб тилинуслари تصریف деб аташади ва уч хил турини кўрсатишади: - ماض - ўтган (тугалланган иш-ҳаракати), - ҳозирги ва келаси замон (давом этаётган ёки бўладиган иш-ҳаракати), - أمر - буйруқ майли. Фуад Неммат бу борада шундай дейди:

و ينقسم الفعل من حيث تصريفه و زمن و قواعده إلى: ماض  
– مضارع – أمر.  
اما من حيث قواعد النحو، فإن الفعل ينقسم قسمين: مبني و  
معرّب.

- و الفعل المبني هو الذي لا يتغير شكل آخره يتغير وضعه في الكلام. فالفعل كتب و هو فعل ماض، لا يتغير شكل آخره بينما يقع في الكلام. فإذا قلنا كتب زيد رسالة أو «ما كتب زيد رسالة» فإن الفعل يظل آخره دائمًا الفتح.

- أما الفعل المعرّب فهو الذي يتغير شكل آخره يتغير وضعه في الكلام. فالفعل «يكتب» و هو فعل مضارع يتغير شكل آخره

بحسب موقعه في الكلام – فيكون آخره الضمة اذا قلنا «يكتب زيد رسالة». و يكون آخره الفتحة اذا قلنا «لن يكتب زيد رسالة» و يكون آخره السكون اذا قلنا «لم يكتب زيد رسالة». [٢٣١:٧]

“Феъл турланиши ва замонга кўра: ўтган, хозирги-келаси ва буйруқ шаклига бўлинади. Синтактик жиҳатдан: мабний, яни ўзгармайдиган ва муъраб - ўзгарувчан турларга бўлинади:

- мабний, яъни ўзгармайдиган феъл шуки, унинг охири (сўнгги унлиси) жумлада қайси вазиятда келишидан қатъий назар ўзгармайди. Масалан: «**كَتَبَ زِيدٌ رَسُولَهُ**» - «Зайд хат ёзди» ёки «**مَا كَتَبَ زِيدٌ رَسُولَهُ**» - «Зайд хат ёзмади» жумлаларида феълнинг ўтган замондаги шакли ишлатилган ва у қаерда келишдан қатъий назар унинг охиридаги унли ўзгармаган.

- муъраб – ўзгарувчан, яъни тусланадиган феъл эса жумладаги вазиятга қараб ўзгарида. Масалан, ҳозирги-келаси замондаги **يَكْتُبُ** феълининг сўнгти унлиси жумладаги вазиятига қараб ўзгарида. Агар биз “**زَيْد رَسُولٰهُ**” – “**يَكْتُبُ زَيْد رَسُولٰهُ**”, десак дамма, “**لَمْ يَكْتُبْ زَيْد رَسُولٰهُ**” – “**لَمْ يَكْتُبْ زَيْد رَسُولٰهُ**” десак фатҳа, “**زَيْد أَصْلُهُ خَاتِمُ الْمُرْسَلِينَ**” – “**زَيْد أَصْلُهُ خَاتِمُ الْمُرْسَلِينَ**” десак сукун бўлали”.

Феъл ҳақида рус арабшуноси Б.М.Гранде ҳам «Араб тилида феъл шахс-сонда ва замонда тусланиши билан (исмдан) ажралиб туради. Араб тилида феълларда иккита замон (ўтган, ҳозирги-келаси замон); учта шахс (биринчи, иккинчи, учинчи шахс); учта сон (бирлик, иккилик, кўпллик); майл (дарак, истак, шарт, кучайтирма, майллар); даражা (аниқ ва мажхул) мавжуд” [3:121] - дейли.

#### **Тахдил ва тадкикот натижа дари**

Юқорида кўриб ўтганимиздек феълларнинг ўзгаришини араб тилшунослари “муъраб” деб номлайдилар. Бу ўзбек тилидаги феълларни замонларда тусланиши ва майлларда ўзгаришига тўғри келади.

Шу ўринда араб тили грамматикасини бошқа тиллар грамматикасидан яна бир фарқли томонини кўрсатиб ўтишимиз зарур, бу ҳам феълларнинг тусланиши билан боғлиқ бўлган яна бир жиҳат. Она тилимиз нуқтаи назаридан тусланиш деганда ҳоҳ ўтган, ҳоҳ ҳозирги ёки келаси замон бўлсин феълларнинг шахс-сон аффикси олиб ўзгариши тусланиш, деб аталади. Араб тилида эса муъраб, яъни

фөйлларнинг тусланиши фақат ҳозирги-келаси замон феълларида содир бўлади. Ўтган замон феъллари музраб эмас, балки мабний-ўзгармас хисобланади.

Бу борада Мустафо Фалайиний шундай маълумотларни бериб ўтган:

**ال فعل كله مبنيٌّ و لا يعربُ منه إلَّا مَا أشْبَهَ الاسم، و هُوَ الفعلُ المضارعُ الذي لم تَتَصَلِّ بِه نونُ التوكيدِ و لا نونُ التسْوِيَة. وَهَذَا الشَّيْءُ إِنَّمَا يَقْعُدُ بَيْنَهُ وَبَيْنَ اسْمِ الْفَاعِلِ. وَهُوَ يَكُونُ بِلِمَّا مِنْ جَهَّى الْأَقْطَفِ وَالْمَعْنَى.**

أما من جهة اللفظ؛ فلأنهما متفقان على عدد الأحرف و  
الحركات والسكنات فيكتب: على وزن (كاتب) و مكرم على  
وزن (يكرم). وأما من جهة المعنى؛ فلأن كلاً منها يكُون  
للحال والاستقبال و باعتبار هذه المشابهة يسمى هذا الفعل  
(مضارعاً)، أي مشابهاً، فإن المضارعة معناها المشابهة، يقال:  
«هذا يضارع هذا»، أي يشابهه.

Феълларнинг ҳаммаси мабний. Фақат исмга ўхшашигина ўзгаради, қолганлари ўзгармайди. Исмга ўхшаш феъл деб, таъкид нунлари ҳамда кўплик иккинчи ва учинчи шахс муаннас нунларини олмаган ҳозирги-келаси замон феълларига айтилида.

Бу феълларнинг исмларга ўхшаш томони уларни сифатдош билан ўхшашлигидадир. Феъл ва сифатдош ўртасида лафзий ва маънавий ўхшашлик бор. Лафзий ўхшашлик, деганда ҳар иккисини ташкил қилган ҳарфлар, ҳаракатлар ва сукунларнинг сонидадир, масалан: ﻢَكْرُمٌ وَ يَكْرُمٌ. Маънавий ўхшашлик уларнинг ҳар иккисиги ҳол бўлиши ва келажакни ифодалаши мумкин. Шу ўхшашликлар сабаб ҳозирги-келаси замони феъли “мудариъ” ёки “мушабих” деб аталади [8:139].

Муъраб, яъни ўзгарувчи феълларнинг учта шакли бор ва улар раф (дарак майли), насб (истак майли) ва жазм (шарт майли) холатлариридир. Бунга Мустафо Ғалайиний шундай таърииф берали:

إِنَّمَا يُنْتَظِمُ الْفِعْلُ الْمُضَارِعُ فِي الْحَمْلَةِ، فَهُوَ إِمَّا مَرْفُوعٌ،  
أَوْ مَصْنُوبٌ، أَوْ مَجْرُونٌ. وَإِعْرَابُهُ إِمَّا لَفْظِيٌّ، وَإِمَّا تَقْدِيرِيُّون  
أَوْ إِمَّا مَحْلِيٌّ.  
وَعَلَامَةُ رَفْعِهِ الضَّمَّةُ ظَاهِرَةٌ. وَعَلَامَةُ نَصْبِهِ الْفَتْحَةُ.  
ظَاهِرَةٌ، وَعَلَامَةُ جَزْمِهِ السُّكُنُ.

Агар ҳозирги-келаси замон феъли жумла таркибида келса, ё дарак майлида, ё истак майлида, ёки шарт майлида туради. Унинг кўрсаткичи лафзий, тақдирний ёки маҳаллий бўлиши мукин. Раф ҳолати (дарак майли)нинг кўрсаткичи дамма (агар у яширинган бўлмай кўриниб турган бўлса), насб ҳолати (истак майли)нинг кўрсаткичи фатха (у ҳам яширинг

бўлмаса) ва ниҳоят жазм ҳолати (шарт майли) нинг кўсаткичи сукундир [8:142].

Феълларни тусланишига таъсир қилувчи омиллар мавжуд бўлиб, бу омиллар лафзий ва маънавий каби турларга бўлинади. Феъл эъробига таъсир қилувчи лафзий омиллар ҳарф ва феъллардир. Исм феълни тусланишига омил бўла олмайди.

Маълумки, ҳарф сўз туркуми кўмакчи, юклама, предлог, боғловчиларни ўз ичига олади ва улар ўзи алоҳида ҳеч қандай маъно англатмайди, балки исм ва феълга қўшилиб келиб, уларни ўзгаришига сабаб бўлади ва шундагина бирор маънога эга бўлади.

Ҳарф сўз туркумининг феъл эъробига таъсир қилувчи омиллари икки қисмга бўлинади. Биринчиси ҳозирги-келаси замон феълини истак майлида туришини талаб қилувчи юкламалардир. Феълларнинг наслб ҳолати ҳақида Маҳмуд Замахшарий шундай дейди:

و انتصابه بأربعة أحرف نحو: زيد أن يخرج و لَنْ يضرب  
و كَيْ يُكْرِمَ و إذْنْ يَدْهَبَ. [٨١:٩]

“Фөзл насб ҳолатига түрт юклама таъсир күйилади”, масалан:

Тильтунос Фуад Немат феъларнинг насб  
ҳолатига бир оз кенгроқ таъриф беради ва  
саккизта юклама таъсирида қўйилишини айтиб  
ўтади.

Тилшунос Мустафо Фалайиний эса феълларни насб ҳолатига қўювчи юкламалар ўнта эканлигини таъкидлаб ўтади [8:144].

أن و لَنْ و اذن و كَيْ و لَام كَيْ و لَام الجحود و فاء: Улар ”السببية“ و او المعينة و حتى و او دير.

Ўзбек ва рус тилшуносларининг фикрлар борасида сўз юритадиган бўлсак, В.Гиргас ҳам Замахшарий фикрларини тасдиқлаб, “Феъллар насб ҳолатида грамматик бошқарувчи сўзлар таъсирида истак майлида ишлатилади. Улар ки, لَنْ، اذن، ان юкламалардир” [4:118], - дейди.

Тилшунос Б.М.Гранденинг таъриф беришича: “Араб тилшунослари феълни фатха, яньи наасб ҳолатида келишини талаб қилувчи юкламалар тўртта деб хисоблайдилар. Булар: ادن، لئن، كىء، ان юкламалариdir.

Юқорида кўриб ўтганимиздек, феълларни насб холатига қўювчи юкламаларнинг сони

араб тилшунослари асарларида ҳам, ўзбек ва рус тилшунослари китобларида ҳам турлича берилади. Лекин улар бир-бирини инкор қилмайди ҳамда барча тилшунослар асосий эътиборни **کى، لەن، ادن، ان** каби тўртта юкламага қаратганлар. Қолган юкламалар эса, мана шу юкламалар маъносида ишлатиладиган қўшимча юкламалардир, деб маълумот берадилар ва қуидга уларни ишлатилиш ўринларига тўхталиб ўтамиш:

أَنْ юкламаси. Бу юклама хошиш, истак, имконият, рухсат, илтимос каби муносабатларни билдирувчи модал сўзлардан кейин ишлатилади. масалан: - أَرِيْدُ أَنْ تَفْعُمْ - Туришингни хоҳлайман.

أَنْ билан келган феъл масдар маъносида  
тушунилади. Юқоридаги мисолни аслида : أَرِيْدُ  
شаклида масдар билан бериш мумкин.  
Шунинг учун أَنْ масдари юклама деб  
номланади [5:41].

وَالثَّانِي: لَنْ، مِثْلُ: «لَنْ يَخْرُجَ زَيْدٌ»، وَهِيَ لِتَأكِيدِ التَّفْيِي.

لَنْ بُولِيشِيني қатый инкор этади. Масалан: لَنْ يَخْرُجَ - زَيْدٌ - Зайд умуман чиқмайды [1:53].

Кўриб турганимиздек, бу жумлаларда  
-насб ҳолатидаги феъллар бўлиб, у ўзбек  
тилига келаси замонда таржима қилинган. Бу  
юкламадан кейин келган феъл келаси замонда  
мутлақо амалга ошмайдиган иш-ҳаракатини  
англатади.

وَالثَّالِثُ: كَيْ، مِثْلُ: «أَسْلَمْتُ كَيْ أَدْخُلَ الْجَنَّةَ».

3. گىن. Бу юклама “учун” маъносини ифодалайди, мақсад эргаш гапни бош гапга боғлайды [1:54]. Масалан: - أَسْلَمْتُ كَيْ أَدْخُلَ الْجَنَّةَ - Жаннатга кириш учун мусулмон бўлдим.

كى يوكلامасини яна масдарий деб ҳам номлашади, бунга сабаб, худди أن يوكلامаси каби ундан кейин келган феълни унинг масдари билан алмаштириш мумкин. Бу юклама ўзбек тилига “учун”, “мақсадида” каби сўзлар билан таржима қилинади [8:45]. Масалан: “Таълим олиш учун келдим” – جنْتُ لِكَيْ أَتَعْلَمُ – Жумладаги ҳозирги келаси замон феълини تَعْلَمُ масдари билан алмаштириш мумкин.

**جَنْثُ لِلْتَّلْعَمِ** – تَالْيِيمُ أَوْلَى عِصْمَةٍ كَلْدِيمُ  
**وَالرَّابِعُ:** إِذْنُ، مِثْلُ: «إِذْنُ أَكْرَمْكَ» فِي جَوَابِ مَنْ قَالَ: أَنَا  
 آتَيْتُكَ عَدَا

4. **إِذْنٌ.** Бу аслида боғловчи. Агар у сабаб-оқибат муносабатларини ифода этиш учун ишлатиладиган бўлса, у ўзидан кейинги

фөйлни истак майлида туришини талаб қилади.  
Масалан: – أَنَا أَتَيْكَ عَدًّا - إِذْنُ أَغْرِمَكَ – Эртага олдингга  
келаман, унда сенга иззат-икром күрсатаман  
[1:54]; [5:42].

Маълумки, «**آن**» юкламаси маъносида қуидаги олтита юкламалар ҳам ишлатилиши мумкин ва албатта улар ҳам ўзидан кейинги феълни истак майлида туришини талаб қиласди:

**ХІ**, бу юклама “учун” маъносида ишлатилади, масалан:

- مَرْزُثٌ حَقِّي أَدْخُلَ الْبَلَادْ Шаҳарга кириш учун юрдим.

2. ل – истак юкламаси, “учун” маъносини ифодалайди, масалан:

Эмас (азоблагувчи эмас).  
 3. ماٽنوسىدагى اف، масалان:  
 - لاؤلرلەنگ اف ئەطئىئىنى حەقىنى  
 ھەقىنى بىرماگۇنىڭچا سەندان اجرايدىمىيەن

4. маъносидағи .Мисол:

Маъноси: Жаннатга кириш учун мусулмон бўлдим.

Шунингдек, олти турдаги жавоблар таркибидаги келувчи “الفاء -фа” [5:43].

Ҳар бир тилнинг ўзига хос грамматик ҳодисалари мавжуд. Бу ҳодисаларни она тили билан қиёслаб ўрганиш маълум даражада уни тушуниш имконини беради. Биз тадқиқ қилаётган ушбу мавзу (яъни истак юкламалари) ўрганилган манбаларда араб тилигагина хос бўлган “жавоблар” мавзуи ёритилиб ўтилганки, унда “ڦ” юклamasи маъносida “фа” ҳам ишлатилиши мумкинлиги айтиб ўтилган. “жавоблар” термини ўзбек тилидаги шарт эргаш гапнинг бош гапига тўғри келиб, агар эргаш гап буйруқ, буйруқ-инкор, инкор, сўрок, орзу-истак, таклиф каби маъноларини билдириб келса, унинг бош гапи феълига “фа” юкламасини қўшилади ва у “ڦ” юклamasи каби феълни истак майлида туришини талааб қиласди.

Масалан: **رُزْنی فَأْكِرْمَكْ**. - Мени зиёрат  
қылсанг, сени ҳұрмат қиласман.

لَا شَيْءٌ فِي الْأَرْضِ - Мени ҳақорат қилма, сени ураман

**مَا تَبِعَنَا فَخَدْعَنَا** - Ҳузуримизга келмадингки,  
биз билан сұхбатлашсанг.

- أَيْنَ بَيْنُكَ فَأَزُورُكَ. - Уйинг қаерда, сени зиёрат қиласман.

- كوشкى مول-мулким бўлганида эди, садака қилар эдим.  
— لاَ تُنْزِلْ بِنَا قُصْبَيْ خَيْرًا — Бизникуга тушмайсанми, сенга яхшилик етади [5:43].

Тадқиқтдан кўриниб турибдики, араб тилида юқоридаги олтита юклама феълларни истак майлида туришини талаб қиласи ва шунинг учун ҳам бу юкламалар “نواصب المضارع” - истак майли юкламалари, деб номланади.

Феъл эъробига таъсир қилувчи  
юкламаларнинг иккинчиси “الحَرْفُ الْجَازِمَةُ لِلْفَعْلِ” (“المضارع”), яъни “Хозирги-келаси замон феълини шарт майлида туришини талаб қилувчи юкламалар”дир.

Маълумки, араб тилида шарт майли “حالله”  
“الْجَزْمُ” жазм ҳолати деб номланади ва у насб  
ҳолатида турган феълнинг фатҳа харакатини  
сукунга ўзгартириш билан ҳосил қилинади.  
Албатта феълни жазмда туришини талаб  
қилувчи юкламалар мажуд. Ҳозирги-келаси  
замон феълини шарт майлида туришини  
талаб қилувчи юкламалар бештадир ва улар  
куйидагилар:

1. لُمْ юкламаси. Бу юклама иш-харакатни содир бўлмаганини таъкидлайди. Юкламадан кейин турган феъл шарт майлида турсада маъноси ўтган замонни англатади. Масалан: لُمْ - يُصْرُ - Ёрдам бермади.

2. لَمَّا юкламасииш-ҳаракатни ҳали содир бўлмаганини, аммо содир бўлиши кутилаётганини англатади. Масалан: لَمَّا يَنْصُرْ У ҳали ёрдам бермади.

3. І, буйрук-истак майлини ҳосил қилувчи  
“لُ” юкламаси. Маълумки, буйруқ иккинччи  
шахсга берилади. Учинчи шахсга тўғридан  
тўғри буйруқ бериб бўлмаслиги учун, у бирор  
кимса орқали етказилади ва энди у буйрук-  
истак майлига ўзгаради. Араб тилида бу майли  
“لُ” юкламаси ёрдамида ифодаланади, масалан:  
**لِيُنْصُرُ** – У ёрдам берсин.

4. Ўюкламаси. Буйруқ майлиниңг бўлишсиз формасини ҳосил қилувчи “Ў” юкламаси ҳам феълни жазм холатида туришини талаб қиласди, масалан: - لا تَنْصُرْ - Ёрдам берма.

5. - اَنْتَصِرْ اَنْصُرْ юкламаси, масалан: Агар ёрдам берсанг, ёрлам бераман [1:55].

إِنْ юклamasи шарт эргаш гапли құшма гаптаркибида келади ҳамда бөш ва эргаш гапнинг

феълини шарт майлида туришини талаб қиласы.  
Масалан:

**إِنْ تَضْرِبُ أَصْرَبْ**-Агар урсанг, мен ҳам ураман.

Күриб турганимиздек, аввал эргаш гап, сўнгра бош гап туради ва ҳар икки гапнинг феъли келаси замонга тегишли бўлиши мумкин.

Шунингдек, “**إِنْ**” юкламасидан кейин келаётган эргаш гапдаги феъл ҳам, бош гапдаги феъл ҳам ўтган замонда туриши ҳам мумкин. Лекин бу гапдан англашилган шарт маъносига ёки келаси замонга тегишли бўлади. Масалан: **إِنْ صَرَبْتَ ضَرَبْتُ** - Урсанг, ураман [5:44].

Юқорида биз шарт юкламалари ва уларнинг ишлатилиш ўрни ҳакида маълумотлар бердик, энди эса Абдулқоҳир Журжоний таъбири билан айтганда, “хозирги-келаси замон феълини юкламаси маъносига шарт майли шаклида бўлишини талаб қиласиган исмлар”га тўхталиб ўтамиш.

Шарт юкламаларидан яна бири бу **إِذَا** дир. Бунга мисол:

“**إِذَا تَعْلَمَتَ تَقْدِيمَ** “Таълим олсанг пешқадам бўласан.”

“(ким, кимки) сўроқ олмоши. Бу сўроқ олмоши нафақат сўроқ гапларда, балки шарт эргаш гапли қўшма гаплар таркибида ҳам келади. Бундай гапларда бу юклама эргаш гап таркибида келади ва ундан кейин келаётган феъл ва бош гапнинг кесими шарт майлида туради, ёки феълларнинг бири шарт майлида, иккинчиси ўтган замон шаклида, ёки иккаласи ўтган замонда туради. Масалан:

**إِذْ مَنْ بَطَّلْتُ بِجَذْ** – *Ким истаса (қидирса) топади.* Бу мақолда айтиб ўтганимиздек, бош гапдаги ва эргаш гапдаги феълларнинг ҳар иккаласи шарт майлида турибди.

**إِذْ مَنْ حَفَرَ خَيْرًا لِأَخْيَهِ كَانَ حَقْهُ فِيهِ** – Ким ўз биродарига чоҳ қазиса, ўз ўлиги ўша ерда бўлади. Бу мисолда **من** юкламасидан кейин келган ҳар икки феъл ҳам ўтган замонда турибди.

**ما** – асли гайриоқил нарсалар учун ишлатиладиган сўроқ юкламаси бўлиб, у яна шарт юкламаси вазифасига ҳам ишлатилади ҳамда шарт эргаш гапни бош гап билан боғлайди. Масалан:

**وَمَا تَفْعَلُوا مِنْ خَيْرٍ يَعْلَمُهُ اللَّهُ** “Нимаики яхшилик қилсангиз, уни Аллоҳ таоло билади”.

– **مَهْمَا** – бу ҳам гайриоқил учун ишлатиладиган мубҳам исмдир [1:57]. Масалан: **مَنْ إِعْلَمَنَا بِهِ فَمَا نَحْنُ لَكُ بِمُؤْمِنِينَ** سورә аль-أعراف- 231

“Улар Мусога айтдилар: Бизни сехирлаш учун ҳар қандай мўжиза келтирсанг ҳам, биз сенга иймон келтирувчи эмасмиз” [2:166].

– **مَتَى** – бу шарт маъносини ўз ичига олган пайт исмдир. Масалан:

**مَتَى تَخْرُجُ الْخُزْجَ**

– **أَيَّان** – шарт маъносини ўз ичига олган пайт исмдир. Масалан:

**أَيَّان نُؤمِنُكَ نَأْمَنُ غَيْرَنَا وَإِذَا لَمْ تَدْرِكِ الْآمِنَ مَنَا لَمْ تَرَ**

– **حَذْرَا**

“Қачонки биз сенга омонлик берсақ, биздан ўзгадан ҳам омон бўласан. Агар биздан омонлик топмасанг, доимо хавфда бўласан.”

– **أَيْنَ** – бу шарт маъносини ўз ичига олган ўрин исмдир [10:536]. Масалан:

**أَيْنَ شَرَلْ أَنْزَلْ** “Қаерга тушсанг тушаман”

– **حَيْثِمَا** – бу шарт маъносини ўз ичига олган ўрин исмдир.

Масалан: “Қаерда тўғри бўлсанг, Аллоҳ таоло сенга мувофақиятни тақдир қиласи.”

**حَيْثِمَا تَسْتَقْمِ يَقْدِرُ لَكَ اللَّهُ نَجْحَا**

– **كَيْفِمَا** – бу шарт маъносини ўз ичига олган мубҳам исм бўлиб, куфалик нахвшуносларнинг фикрига кўра, жазм ҳолатдаги шартни ва жавобни тақоза қиласи, унга **ما** юкламаси кўшилса ҳам, кўшилмаса ҳам [10:536]. Масалан:

**كَيْفِمَا تَكْنِ يَكْنِ قَرِينَكَ** – Сен қандай бўлсанг дўстинг ҳам шундай бўлади.”

– **إِذَا** – шарт маъносини ўз ичига олган исмдир. Ундан кейин келган феъл ўтган замонда туради, аммо маъно жиҳатдан гап шарт майлида бўлади ва бу юклама асосан шарт эргаш гапли қўшма гаплар таркибида келади. Масалан: **إِذَا تَمَّ الْعَقْلُ** – **نَفَصَ الْكَلَامُ** – Ақл кўпайса (мукаммал бўлса) гап камаяди.

### ХУЛОСА

Кўриб ўтганимиздек, юқорида нахвшунос олимлар феълнинг жазмда бўлишига сабаб бўладиган 16 та юкламани келтириб ўтдилар. Бироқ келтирилган юкламаларнинг ҳаммаси ҳам ўзида шарт маъносини англатмайди. Аниқроқ айтадиган бўлсак, юқоридаги юкламалардан

4 таси “ع ва لم“ шунингдек лар ўзидан кейин битта феълни жазмда келишини талаб қиласи, лекин шарт маъносини англатмайди.

Колган 12 таси эса, баъзида ўзидан кейин иккита феълни жазмда келишини талаб қиласи ва шарт маъносини англатади. Баъзида бу исмлардан кейин келган феъллар ўтган замонда турсада, шарт маъносини англатади.

Хулоса килиб шуни айтишимиз мумкинки, шарт юкламалари асосан шарт эргаш гапли қўшма гаплар таркибида учрайди ҳамда бош ва эргаш гапни боғлаш учун ишлатилади. Бу юкламалардан кейин келаётган феъл ўтган замонда ҳам, ҳозирги-келаси замонда ҳам ишлатилиши мумкин, аммо ҳаммасида шартлилик маъноси англашилади.

Юқорида маълумот бериб ўтганимиздек, лафзий омиллар таркибига ҳарф, феъл ва исм сўз туркумлари киради. Феълларни майлларда ўзгаришига лафзий омилнинг фақат икки тури, яъни ҳарф ва феъл сабаб бўла олади, исм эса феъл эъробига таъсир қилмайди. Феъл эъробига сабаб бўлувчи маънавий омил ҳақида маълумот берадиган бўлсак, у араб нахвида **خلو الفعل** – **المضارع من الناصب والجازم** - ҳозирги-келаси замон феълининг насл ва жазм юкламаларидан ҳоли бўлиши, деб аталади ва шундай баён қилинади: Ҳозирги-келаси замон феъллари, уларни шарт ва истак майлида туришини талаб қилувчи омиллардан ҳоли бўлади. Бу эса, ўз навбатида уларни дарак майлида туришини талаб қиласи. Масалан: **يَضْرِبُ زَيْدٌ** – Зайд калтакляяпти. феъли уни шарт ва истак майлида туришини талаб қилувчи омиллардан ҳолидир ва шунинг учун ҳам дарак майлида турибди.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Абдулқоҳир Журжоний. Наҳвда юзта омил. –Т.: ТИУ, 2014.
2. Абдулазиз Мансур. Қуръони карим маъноларининг таржимаси. –Самарқанд: “Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази” нашрёти 2021.
3. Гранде Б.М. Курс арабской грамматики в сравнительно-историческом освещении. – М., 1998.
4. Турсунов У., Мухторов А., Раҳматуллаев Ш.. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Т.: Ўзбекистон, 1992.

5. Гиргас В. Очеркъ грамматической системы арабовъ. – Спб. 1873.
6. Сайид Шариф Журжоний. Наҳви Мир. – Караби: Қадимий кутубхона, 1997.
7. فؤاد نعمة. ملخص قواعد اللغة العربية. – القاهرة: الشيخ مصطفى الغلايني. جامع الدروس العربية. – بيروت، 1993.
8. محمود الوخشري. الانموذج في النحو.
9. بهاء الدين عبد الله ابن العقيل الهمданى المصرى. شرح ابن عقيل على الفية ابن مالك. مكتبة دار التراث. القاهرة: 2005م.